

Метонимик когезиянинг қайта такрорлаш кўлами

Шодикулова Азиза Зиқиряевна,
e-mail: azizashodikulova87@gmail.com

доцент, PhD

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Аннотация. Лексик когезия луғавий бирликларнинг матн таркибида ўзаро бирикишига таалуқли ҳодиса бўлиб, матн тузилишида энг етакчи ўринни эгаллайди. Қуйида биз метонимиянинг медиаматнларда лексик когезия ҳосил қилишида намоён бўладиган вазифаларини ёритишига ҳаракат қиламиз. Кўзланаётган мақсад метонимнинг матнда юзага келадиган семантик муносабатлар учун когнитив асос яратиш имкониятларини аниқлашдир.

Калит сўзлар: шакл, матн, тушунча, когезия, бўлак, яхлит.

Metonymical cohesion in the scale of repeat

Shodikulova Aziza Zikirayevna
e-mail: azizashodikulova87@gmail.com

associate professor, PhD

Samarkand State Medical University

Annotation. Lexical cohesion is a phenomenon related to the interconnection of lexical units in the text and occupies a leading position in the structure of the text. Below we attempt to shed light on the functions of metonymy manifested in the formation of lexical cohesion in media texts. The intended purpose is to determine the possibilities of the metonymy to create a cognitive basis for the semantic relationships that occur in the text.

Keywords: form, text, concept, cohesion, fragment, whole.

Метонимическая Когезия Повтора

Шодикулова Азиза Зиқиряевна
e-mail: azizashodikulova87@gmail.com

PhD, доцент

Самарқандский государственный медицинский университет,

Аннотация. Лексическая связность – явление, связанное с взаимодействием лексических единиц в тексте, лидирует в структуре текста. На этом статье мы показываем функции лексические когезию метонимии, проявляющиеся в формировании лексической связности медиатекстов. Поставленная цель состоит в том, чтобы определить возможности метонимии для создания когнитивной основы смысловых отношений, возникающих в тексте.

Ключевые слова: форма, текст, концепт, связность, фрагмент, целое.

Олдинги саҳифаларда эслатилганидек, қайта такрорлаш (реитерация) луғавий бирликлар такрорланиши воситасида ҳосил бўладиган когезия туридир. Бунда луғавий бирликнинг ўзи бевосита такрорланиши билан бир қаторда, синоним, ярим синоним, умумий сўз кабилар антицедент ўрнини олиши мумкин.


Маълумки, такрор лексик когезияни бевосита воқелантирувчи воситалардан биридир. Ёзувчи–адресант калит сўз ёки иборани такрорлаш воситасида ўқувчи / тингловчининг диққатини баён қилинаётган воқеанинг муҳим жиҳатларига жалб қилишни режалаштиради. Аслини олганда, алоҳида бир сўзнинг такрорланиши матн қисмлари боғлиқлигини таъминлаш учун етарли эмас, шу сабаб матнда такрор амали одатда кенг кўламда қўлланиб, етук бир семантик занжирни ҳосил қилади. Қуйидаги матн парчасида бунинг мисолини кўрамир:

New proposals from the Financial Services Authority on potential changes to its remuneration code which prohibit sales of shares by bankers are not as draconian as first feared, according to a leading pay consultant.

However, Terry said that the new proposals, published last week, would make it very difficult for bankers to be offered guaranteed to nurses and pointed out the FSA had introduced the world’s toughest pay rules to the UK financial service (The Guardian, May 2, 2017).

Келтирилган парчада new proposals ва bankers элементларининг такрорланиши ўқувчига узатилаётган янги хабарнинг нима ҳақида эканлигини эслатиш учун хизмат қилган. Такрорланаётган шаклнинг олдинги сўз ёки ибора билан референти бир хил бўлганида ўзига хос метонимик муносабат замирида “Тушунча ўрнида шакл” концептуал тузилмаси туради ва бу ҳолатда “Шакл” мазкур матнда такрорланаётиб “Тушунча”ни сақлаб қолади. Бу хилдаги мантикий–концептуал муносабатлари қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин:

Чизма 1.



Мазкур чизмада узок чизик метонимик муносабатга ишора қилса, чизикнинг икки томонлама йўналиш олиши эса когезия боғламини белгилайди. Чизмадан кўринадик, иккита ўхшаш метонимик кўчим когезия боғламини ҳосил қилади. Зеро, улар бир хил шаклга эга бўлиш билан бир пайтда, бир хил тушунчани атайди.

Такрорланаётган луғавий бирликларнинг референти олдинги қисмдагиники билан мос келмаганида ҳам когезия шаклланади. М. Ҳоллидей ва Р.Ҳасан таъкидлаганидек, луғавий бирлик “ўз прецеденти билан муносабатга киришиши улар референт уйғунлигига эга бўлмаганида ҳам юзага келиши мумкин” (Halliday, Hasan 1976: 283).

Келтирилган парчаларнинг барчасида “X Factor” бирлиги Британия телевидениясида янги истеъдодли кўшиқчиларни саралаш мақсадида ўтказиладиган конкурсга оиддир. Кейинги ўриндаги “X Factor” бирлиги эса конкурсни ўтказишдан кутилган натижа, яъни машхурликка эришишга сабаб бўладиган ижодкорликка ишора қилади. Худди шу сингари, “Simon and Schuster” метафорик иборасининг референти шу номидаги нашриёт ходимлари бўлса, ушбу иборанинг иккинчи қўлланишида эса гап нашриётнинг ўзи ёки унинг китоб сотишни ташкиллаштириш билан машғул маркетинг бўлими ҳақида кетмоқда.

Юқоридаги ҳолатларнинг ҳар иккаласида ҳам такрорланаётган лексик бирликларнинг референтлари бир хил эмас ва бу ерда номловчи белгининг фақат шаклга оид бўлаги қайта қўлланилмоқда.

Лексик когезия воситаси тарзида намоён бўладиган бу турдаги такрорда метонимик кўчим учун манба хизматини ўтаётган қисми сақланади. Тўлиқ лисоний белги ўрнига фақат лингвистик шакл такрорланишини қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин:

Чизма 2. Шакл сақланишидан иборат метономик такрор.



Келтирилган чизмада иккита метономик муносабат тасвирланган, аниқроғи, (ШАКЛ а)нинг (ТУШУНЧА а)га ҳамда (ШАКЛ б)нинг (ТУШУНЧА в)га муносабатлари замирида қисмлар ўртасидаги когезия боғлами ҳосил бўлган.

Юқорида тавсифланган метонимик такрорларнинг ҳар иккаласида ҳам алоҳида бир луғавий бирликнинг такрорланаётгани кузатилади. Ушбу такрорлар, референтлар мос келмаслигига қарамасдан, мулоқот тузилмасидаги боғлиқликни таъминлайди.

Маълумки, газеталар ва веб-сайтларда эълон қилинаётган мақолалар матнларида турли кўринишдаги қисқартмалар кенг қўламда қўлланилади. Масалан, булар қаторига GDP (Gross Domestic Products), NASDAQ (National Association of Securities Dealers Automated Quotations), NATO (North Atlantic Treaty Organization) кабилар киради. Ушбу аббревиатураларнинг айримларининг қўлланиши шу қадар оммавийлашганки, уларнинг тўлиқ шаклини матнда эслатиб ўтиришга ҳожат қолмаган: ATM, PIN, AIDS, UN, NATO, US, BBC, IRA, etc. Кўпчиликка нотаниш бўлган қисқартмалар эса матнда, одатда, тўлиқ шаклдан кейинги ўринларда келади.

Медиаматнларда энг кўп учрайдиган аббревиацилар ташкилотлар номлари (масалан, FBI, UN) ҳамда технология, медицина каби соҳаларга оид терминлардир. Чунки бу соҳаларда қўлланиладиган сўзлар кўпинча шаклан узун бўлиб, мулоқот пайтида уларни қисқартиришга эҳтиёж туғилади. Лисоний тежамкорлик тамойили фаоллашувининг яна бир сабаби психологик асосга эга. Зотан, қисқартмани терминнинг тўлиқ шаклидан кўра тезроқ эслаб қолиш мумкин. Жумладан, Bavarian Motor Works атамасидан кўра унинг “BMW” варианты қўлланиш учун қулайроқ. Харидорни ҳам ушбу компаниянинг маҳсулоти қизиқтиради, унинг акционерлари тўғрисидаги маълумот иккинчи даражалидир. Айтиш керакки, «laser» (light amplification by stimulated emission of radiation), “radar” (radio detecting and ranging), “zip” (zone improvement plan) каби баъзи акронимлар кундалик мулоқотда шу қадар кўп учрайдики, ҳатто уларнинг қисқартма эканлиги унутилган ҳисоб.

Аббревиатуралар “БЎЛАК” ва “ЯХЛИТ” муносабатида ҳосил бўладиган метонимларнинг ёрқин намунаси. Ушбу ҳодиса қисман Б.Бирвиазонекнинг мақоласида ёритилган. Олимнинг қайдича, лисоний шаклнинг онтологик хусусияти товуш ва график воқеланиш уйғунлигига боғлиқлиги боис, аббревация воситасида шаклландиган метонимлар ҳам товуш ва график ифода турларига эга (Bierwiazonek 2007).

Метонимиянинг ушбу турига бўлган эҳтиёжнинг сабаби яна ўша психолингвистик омилларга бориб тақалади. Дарҳақиқат, “deoxyribonucleic acid” калимасини талаффуз қилиш қанчалик қийин кечишини тасаввур қилиб кўринг. Энг ёмони, бирорта ҳарфнинг нотўғри ёзилиши ва талаффузи маъно бузилишига олиб келиши мумкин. Яхшиси, DNA шаклидаги қисқартманинг талаффузи ёки ёзилиш осон кечади.

Хулоса қилиб айтганда, метонимия сўз яшаш тизимида ўзига хос ўринга эга, бу айниқса инглиз тилида янги сўзлар яшашнинг кенг тарқалган усулларида бўлган конверсия ва аббревация усуллари воқеланишида яққол кўринади. Айнан шу усуллар татбиқида ҳосил бўладиган метонимлар матнда когезияни шакллантиришнинг муҳим воситаларидандир. Кейинги пайтларда тадқиқотчилар бу турдаги кўчимларни концептуал метонимия синфига киритишни таклиф қилишмоқда (Rodden, Koveches 1999). Бу турдаги метонимлар ҳосил

бўлишида иборанинг шакли ўзгарса-да, лекин тушунча– концепт сақланади. Шунингдек, кўпинча шаклнинг аббревиация кўриниш олиши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Hasan R. Coherence and cohesive harmony // Understanding reading comprehension. Delaware: International Reading Association, 1984. – P. 181-219.
2. Holy M.P. Pattern of Lexis in Text. – Oxford: Oxford University Press, 1991.
3. Bieweaczonck B. On formal metonymy // Perspectives in metonymy. – Frankfurt / Main: Peter Lag, 2007. – P. 43-67.
4. Radden G., Kovecses Z. Towards a theory of metonymy // Metonymy in Language and Thought. – Columbus: Ohio State University, 1999. - P. 87-94.
5. Арнольд И.В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность . – СПб.: Изд-во С – Петербурского у-та, 1999.
6. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Т.Академнашр, 2014. – 288 б.
7. Seto K. Distinguishing Metonymy from Synecdote // Metonymy in language and Thought – Amsterdam: Benjamins Publishing Company, 1999. – P. 91-120.
8. Taylor J.P. Linguistic Categorization: Prototyps in Linguistic Theory. – Oxford: Oxford University Press, 1995.
9. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Т.: MERIVUS, 2017. – 140 б.